

---

## ЭЪТИБОРДАН ШОДМИЗ...

2020 йил 25 декабрь куни Ўзбекистонда биринчи мартаба “Ёшлар форими” ўтказилди. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ёшлари форумида катта нутқ сўзладилар. Давлат раҳбари ўз нутқида Учинчи Ренессанс, ёш волонтерлар фаолияти, ёшлар билан ишлаш бўйича Тошкент тажрибаси, «Ёшлар: 1+1» дастури, Ёшлар кичик саноат зоналари, «Ёшлар мурожаати» электрон платформаси, тадбиркорликка ўқиган ёшларга 4 фоизлик кредитлар ажратиш, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш ва бошқа мавзуларга тўхталиб ўтдилар.

Шунингдек Юртбошимиз ёшларнинг лойиҳаларини молиялаштириш учун Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги қошида алоҳида жамғарма ташкил этилиши ва унга 100 миллион доллар маблағ ажратилиши бўйича гапириб ўтдилар. Жамғарма ёшларнинг лойиҳаларини рўёбга чиқариш учун қулай шартларда ва паст фоизларда молиялаштирилиши. Бундан ташқари, кичик саноат зоналарида ишлаб чиқариш бинолари қурилиб, ёшларга имтиёзли шартларда ижара ва лизинг асосида берилишини такидладилар.

Юртбошимиз биринчи мартаба ўтказилган “Ёшлар форими”да “Бугун ўз тенгдошларига ибрат бўлаётган, жамиятдаги янгиланишлар жараёнида фаол иштирок этаётган ёшларимиз жуда кўп. Лекин, ҳаётда ўз ўрнини топишга қийналаётган, адашган, кўмакка муҳтожлари ҳам йўқ эмас. Шунинг учун ёшлар, айниқса, уларнинг уюлмаган қатлами билан масъуллар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатишга хизмат қиладиган „Ёшлар мурожаати“ электрон платформасини яратиш бўйича алоҳида топшириқлар бердилар. Бундан ташқари Олий таълим муассасаларига кириш ҳамда ўқишда бир қанча имтиёзлар яратилишини такидлаб ўтдилар.

Биз ёшлар Президентимизнинг ёшларга билдирган ишончини доимо оқлаб, яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланамиз. Юртбошимиз такидлаганларидек ёшларнинг ҳар бири жонажон Ватанимиз ва халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш орзуси билан ёниб яшайди. ёшлар Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинасидир юртимиз келажаги эса ёшларқўлидадир.

Давлатимиз раҳбарига, Ўзбекистонга муносиб ёшларни мана шу руҳда улғайишларига астойдил кўмаклашишга доимо шаймиз.

**Умиджон ДЕХҚОНОВ,**

**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги Ёзёвон туман бўлими бошлиғи.**

**ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ**

2020-12-30 11:04:24